



“Гасдиқлайман”

Наманган шаҳар ҳокимининг  
бийринчи ўринbosари

Р.Исақов = Р.Исақов

18.11.2022 йил

Сув тортиш учун зарур бўладиган товарларни етказиб берувчи  
ташкилотни танлаш бўйича  
танлов хужжатлари

Буюртмачи: Наманган шаҳар ҳокимлиги

Наманган-2022 й.

## **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Товарнинг характеристикаси**

	Номи	Миқдори	Жами суммаси
1	Кум	75 метр куб	6 150 000 сўм
	<b>Жами ККС билан</b>		<b>6 150 000сўм</b>

**1.2.** Танлов қиймати 6 150 000 (олти миллион бир юз эллик минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қаъбул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

### **2.Танлов ташкилотчилари**

**2.1.** Наманган шахар хокимлиги (бундан кейин- “буюртмачи” деб аталади)- танлов ташкилотчиси хисобланади.

**2.2.** Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

### **3.Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар**

**3.1** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

**3.2.1.** Танлов предмети қийматининг камида 50 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномаси хамда ишларни(хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги;

**3.2.2.** Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

**3.2.3.** Ўз кўчлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

**3.2.4.** Низом маблағи миқдори.

**3.3** Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рұксат этилади.

## **4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига жойлаштириши мумкин.

**4.2.** Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишларни кўрсатилиши керак;
- Хар бир иштирокчи фақат битта таклиф беришга хақли.

## **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

**5.1.** Давлат харидларитўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир. Фолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. Бошқа шартлар**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қаъбул килишга хақли. Товарни ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифла бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровгв белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.